

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли фармонига 2-илова**

**2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб кичик корхоналарда ходимларнинг чекланган сони йилига ўрта ҳисобда амалдагидан икки бараварга ошириладиган тармоқлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т.р.</b>	<b>Тармоқлар номи</b>	<b>Кичик корхоналардаги ходимларнинг ўртача йиллик чекланган сони (нафар)</b>
1.	Қурилиш материаллари саноати	200
2.	Енгил саноат	200
3.	Озиқ-овқат саноати	200

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли фармонига 3-илова**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Хукуматининг айрим фармон ва қарорларига киритиладиган  
ЎЗГАРТИШЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сонли Фармонида:

а) 2-бандидаги «иловага мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармонининг 1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, 2014 йилнинг 1 июлидан куйидагилар кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритилади:

якка тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган:

енгил, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — эллик нафардан;

илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарори билан тасдиқланган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ишлаб чиқариш қувватлари доирасида Махсус Идоралараро комиссия ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилмаган ҳолда лойиҳалар ташаббускорлари томонидан амалга оширилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 4 апрелдаги ПФ–4296-сонли Фармони 1-бандининг учинчи хатбошидаги «2014 йилнинг 1 апрелигача» сўзлари “2017 йилнинг 1 январигача” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда хорижий инвесторлар иштирокида капитал қурилишни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги 548-сонли қарорида:

а) 1-бандидаги «(1-илова)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., №5, 25-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 23-бандидаги «тижорат банкларининг бўлинмалари ва ўз таркибида бўлинмалари бўлмаган тижорат банклари учун, шунингдек хусусий банклар учун — 10 иш куни, банкларнинг вилоят бўлинмалари учун — 15 иш куни ва бош (республика) банклари учун — 20 иш куни» сўзлари «уч иш куни» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги 178-сонли қарори билан тасдиқланган Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «10 иш куни» сўзлари «уч иш куни» сўзлари билан алмаштирилсин.